



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 15 » ноябрь

№ ПҚ–393

Ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимиз ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдириш, уларнинг барча йўналишларда билим ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича белгиланган кенг кўламли вазифаларни самарали **амалга ошириш мақсадида:**

1. Мудофаа вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг вертикал тизимини яратиш орқали ўқувчи-ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш тўғрисидаги қуйидаги **таклифларига розилик берилсин:**

а) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб **умумий ўрта (Президент, ижод, ихтисослашган таълим муассасалари) таълим ташкилотларида** (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик (кейинги ўринларда – ЧҚБТ) фани нуфузини ошириш ва ЧҚБТ раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан **янги тизимни жорий этиш, бунда:**

республикада **“Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, фаол ҳаётий позиция”** тамойилига асосан янгиланган ЧҚБТ фанининг ўқув дастури ва дарсликларини яратиш;

таълим ташкилотларида ЧҚБТ фани ҳафтасига **икки соатдан** ўқитилишини белгилаш.

Бунда таянч ўқув режада 10–11-синфларга ҳафтасига бир соатдан қўшимча юклама киритиш;

б) Мудофаа вазирлиги тизимида чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари лавозимини (кейинги ўринларда – ЧҚБТ раҳбари) жорий этиш ва ЧҚБТ раҳбари лавозимига Мудофаа вазирлиги томонидан Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари **билан келишган** ҳолда олий таълим ташкилотлари ҳарбий таълим факультетларининг **“Чақириққача ҳарбий таълим” йўналиши битирувчиларини**, Қуролли Кучларнинг резерви (захира)даги олий маълумотга эга бўлган оддий аскар, сержант, шунингдек, офицерлар таркибига мансуб контракт бўйича ҳарбий хизматчиларни ишга қабул қилиш;

в) ЧҚБТ раҳбарларининг ҳарбий малакасини ватанпарварлик йўналишида мудофаа тизимида, педагогик кўникмаларини таълим тизимида ошириш;

г) ЧҚБТ раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини (КРІ) ишлаб чиқиш;

д) Мудофаа вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг тегишинча мавжуд штат бирликлари доирасида:

Мудофаа вазирлиги марказий аппарати таркибидаги **Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси Ёшлар бўлими** ва **“Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий ватанпарварлик ҳаракати** негизида **Мудофаа вазирлиги Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ва ёшлар билан ишлаш департаменти** (кейинги ўринларда – Департамент)ни;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги марказий аппаратида **Ватанпарварлик ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни мувофиқлаштириш бўлимини** ташкил этиш;

е) республикадаги ҳар бир туман (шаҳар)да битта умумий ўрта таълим мактаби негизида болаларни кичик ёшидан Ватанга чексиз садоқат руҳида, жисмонан соғлом ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган **“Жасорат мактаби”** фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

спорт турлари бўйича ушбу мактабларда **“Баркамол авлод”** болалар мактабларининг **тармоқ тўғараклари** фаолиятини йўлга қўйиш;

ҳарбий-спорт мусобақалари, интеллектуал викториналар ва кўрик-танловларни ташкил этиш;

Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг **олий ҳарбий** ва **ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотларини** ўз фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда **“жасорат мактаблари”**га услубий ёрдам кўрсатувчи муассаса сифатида бириктириш тизимини жорий этиш.

2. Белгилансинки:

а) **2025 йил 1 июндан** таълим ташкилотларидаги Ватанпарварлик руҳида ёшларни тайёрлаш бўйича директор ўринбосари – ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбари лавозими тугатилиб, штат бирликлари Мудофаа вазирлигига ўтказилади ва ушбу штат бирликлари ҳисобидан ЧҚБТ раҳбари лавозими жорий этилади ҳамда ЧҚБТ раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Мудофаа вазирлиги томонидан бириктирилган таълим ташкилотида **ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий касбга йўналтириш, ҳарбий-спорт мусобақалари ва ЧҚБТ фани машғулотларини** ташкил этиш;

ўқувчи-ёшларни ҳарбий таълим муассасаларига саралаш ишларини олиб бориш;

“Ватан таянчи” отряди фаолиятини бошқариш ҳамда **ҳарбий қисм ва полигонларда** амалий машғулотлар ўтказиш;

б) ЧҚБТ раҳбарларига:

умумий ўрта таълим ташкилоти ўқитувчисининг **базавий тариф ставкаси белгиланади;**

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, умумий ўрта таълим ташкилотлари ходимлари учун белгиланган **йиллик меҳнат таътиллари берилади;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон Фармонида белгиланган тартибда ЧҚБТ раҳбарларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридан ҳар ойлик пулли компенсация тўланади;

в) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир янги ташкил этиладиган таълим ташкилотлари учун 1 та штат бирлигидан иборат ЧҚБТ раҳбари лавозими киритиб борилади;

г) мудофаа вазирига белгиланган тартибда Департаментнинг ташкилий-штат тузилмасига амалдаги штатлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

3. “Жасорат мактаблари” умумтаълим мактаблари учун ҳарбий ватанпарварлик йўналишида таянч мактаб этиб белгиланади.

“Жасорат мактаблари”да:

математика, ЧҚБТ, тарих, жисмоний тарбия, чет тили, физика фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади;

ўқиш учун ўқувчиларни саралаш **бешинчи синфдан бошлаб** амалга оширилади;

робототехника, келажак ўйинлари, тиббий тайёргарлик, ҳуқуқий саводхонлик, миллий спорт ўйинлари каби тўғарак машғулотлари ўтказилади;

Ўқув йили давомида икки марта ҳарбий полигонларда, ҳар чоракда бир марта ҳарбий қисмларда амалий машғулотлар олиб борилади.

“Жасорат мактаблари”га бириктириладиган ЧҚБТ раҳбарларига таълим ташкилоти ўқитувчисининг базавий тариф ставкаси билан бирга туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари фуқаро ходимлари учун белгиланган **меҳнатга ҳақ тўлаш, устама ҳақ, қўшимча тўлов, рағбатлантириш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари** ҳам татбиқ этилади.

4. Таълим ташкилотларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қуйидагилар **асосий йўналишлар** этиб белгилансин:

Ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий қадриятларига, унинг маданияти ва урф-одатларига чуқур ҳурматни, уларда ҳалоллик, виждонийлик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари сифатларни, шунингдек, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш;

мамлакатимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аجدодларимизнинг, энг аввало, соҳибқирон **Амир Темурнинг бебаҳо мероси**, Ватанимиз озодлиги ва эл-юрт тинчлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган ватандошларимизнинг қаҳрамонлиги асосида **Ўзбекистон халқига содиқ**, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни тарбиялаш;

ҳарбийлар ҳаётига оид **ватанпарварлик ғоясидаги қўлланмалар, фильм, ижтимоий ролик, бадиий асар, туркум кўрсатувлар** яратиш;

таълим ташкилотларида **“Турон” мактаб театри** танловини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

Ўқувчиларда кенг дунёқараш, интеллектуал салоҳият, ижодий ва таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологиялари бўйича мустаҳкам билимларни шакллантириш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) таълим ташкилотларида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси қуйидаги **тўрт босқичда** амалга оширилади:

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига (3–6 ёш) оила, **Ватан, миллий қадриятлар** ҳақидаги илк тушунчалар ўргатилади;

бошланғич синф ўқувчиларига (1–4-синф) **мустақиллик тушунчаси, давлат рамзларига ҳурмат ва интизом** каби ҳаётий кўникмалар сингдирилади;

ўрта синф ўқувчиларида (5–9 синф) **ҳуқуқий онг, миллий ғурур, буюк аждодларга муносиб ворис бўлиш** туйғуси шакллантирилади;

юқори синф ўқувчиларида (10–11-синф) **ҳарбий хизматга қизиқиш ва Қуролли Кучлар билан фахрланиш** туйғуси кучайтирилади;

б) таълим ташкилотларида:

ўқувчилар ўртасида **киберспорт, дрон ва робототехника, келажак ўйинлари бўйича** алоҳида танловлар ҳамда ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилади;

зиёлилар ва нуронийлар иштирокида **“уч авлод учрашувлари”** ташкил этилади;

ҳарбий хизматчилар томонидан **мотивацион суҳбатлар ва маҳорат дарслари** олиб борилади;

в) ЧҚБТ раҳбарларига қонунчиликда белгиланган тартибда малака тоифалари берилади.

6. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), **Ёзувчилар уюшмаси** (С. Саидов), **Республика Маънавият ва маърифат маркази** (О. Хасанов):

ҳар йили ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, инсонпарварлик каби ғоялар асосида тарбияловчи **бадий асарлар** (қисса, роман, достон, шеърий ва насрий асарлар тўплами) яратилишини ташкил этсин ва барча фойдаланувчилар учун қулай бўлган онлайн платформаларда жойлаштирсин;

ҳар ойда икки мартаба ўқувчилар ва талабалар учун маънавий ибрат тимсоли бўлиб хизмат қиладиган тарихий ва замонавий қаҳрамонлар образлари, мамлакатимиз тарихи акс эттирилган **асарларни намойиш этиш** ҳамда **ижодий-маърифий кечалар** ва ижодий амалий машғулотлар ўтказишни йўлга қўйсин.

7. Ёшлар ишлари агентлиги (А. Саъдуллаев), **Спорт вазирлиги** (А. Икрамов) таълим ташкилотларида ўтказиб келинаётган ҳарбий-спорт мусобақаларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ушбу тадбирларни йиллик иш режаларига киритган ҳолда молиялаштириш ишларини амалга оширсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

а) Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона давлат университети ва Бухоро давлат педагогика институтларининг **“Чақириққача ҳарбий таълим”** йўналишларига қўшимча қабул квоталари ажратилади;

б) “Жасорат мактаби”ни аъло баҳолар билан тамомлаган ҳар бир “Ватан таянчи” отрядининг аъзоси бўлган бир нафар ўқувчига Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган танлаб олиш тартибига мувофиқ олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган ҳамда юридик таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсиянома берилади.

9. Мудофаа вазирлиги (Б.Курбанов) **Республика Маънавият ва маърифат маркази** (О.Хасанов), **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** (Х.Умарова), **Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги** (К.Шарипов), **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Б.Захидов) билан биргаликда:

а) уч ой муддатда:

таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган ЧҚБТ раҳбари лавозимига номзодларни саралаб олиш тартибини ишлаб чиқиш;

ЧҚБТ раҳбарларини Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона давлат университети ва Бухоро давлат педагогика институти **ҳарбий таълим факультетларида** қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастури ва режасини ишлаб чиқиш;

малака ошириш давомида ЧҚБТ раҳбарларини ўқув-машқ ҳарбий йиғинларига жалб этиш, уларнинг педагогик кўникмаларини ривожлантириш бўйича машғулотларни Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида ўтказиш, натижалари бўйича навбатдаги ҳарбий унвонни бериш тартибини жорий этиш чораларини кўрсин;

б) 2025 йил 1 апрелга қадар ЧҚБТ раҳбари лавозимида саралаш натижалари бўйича тайинланган ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш **кўрсаткичларини (KPI) белгилаш** тартибини тасдиқласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари таълим ташкилотларида **ЧҚБТ тадбирларини молиялаштириш, моддий-техник жиҳатдан** таъминлаш ва ўқув-моддий базасини барпо этиш чораларини кўриб борсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров) мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар учун Мудофаа вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан **2025 йилда Давлат бюджетидан етарли даражада қўшимча маблағлар ажратсин, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджетини параметрларини** шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин.

12. Қуйидагилар:

Ўқувчиларда Ватан ҳимоячиси бўлишга меҳр ва ҳавас уйғотиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Таълим ташкилотлари негизида ташкил этиладиган **“жасорат мактаблари”** ҳамда уларга бириктирилган вазирлик ва идоралар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Мазкур қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ҳарбий-маъмурий секторларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

14. Ўзбекистон Республикаси **Мудофаа вазирлиги** (Б.Курбанов) **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** (Х.Умарова), **Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги** (Қ.Шарипов), **Адлия вазирлиги** (А.Тошқулов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўқувчиларда Ватан ҳимоячиси бўлишга меҳр ва ҳавас уйғотиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Умумий ўрта таълим ташкилотларида амалга оширилаётган тадбирлар					
1.	Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг ўқув дастури ва дарсликларини ишлаб чиқиб чиқиш.	1. Ўқув дастури ва дарсликларни ишлаб чиқиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ўқув дастури ва дарсликларни ишлаб чиқиш ва нашр қилиш.	2025 йил январь 2025 йил декабрь	Давлат бюджет маблағлари	Мудофаа вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
2.	Мактабгача таълим ташкилотларида “Ватанпарварлик бурчаги”ни ташкил этиш.	Мактабгача таълим ташкилотларини тарбиялаш бўлими билан ҳамкорлик қилиш.	Доимий	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги
3.	“Жасорат мактаблар”га ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш бўйича низом ишлаб чиқиш.	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2025 йил 20 июнь	–	Мудофаа вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодийёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
4.	Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини босқичма-босқич кучайтириб бориш ва уларнинг ёшдан келиб чиққан ҳолда дастлабки нормативлар топшириш тизимини ишлаб чиқиш.	1. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини босқичма-босқич кучайтириб бориш бўйича қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган ҳужжат доирасида ўқувчиларнинг жисмоний	2025 йил 20 июнь Доимий	–	Спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги

		тайёргарлигини босқичма-босқич кучайтириб бориш чораларини кўриш. 3. Ўқувчилар томонидан нормативлар доимий топшириб борилишини назорат қилиш.	Ўқув йили давомида		
5.	Мақтаб ўқувчилари учун тарих, маънавият ва ватанпарварликка оид ўқув машғулотларини Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи, Қуролли Кучлар ва “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасидаги “Шон-шараф” давлат музейлари, шунингдек, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва уларнинг ҳудудлардаги бўлимларида ўтказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	1. Ўқувчиларни давлат музейлари ва уларнинг ҳудудлардаги бўлимларига ташрифларини ташкил этиш юзасидан дастур ишлаб чиқиш. 2. Дастур асосида ўқувчиларни Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи, Қуролли Кучлар ва “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасидаги “Шон-шараф” давлат музейлари, шунингдек, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва уларнинг ҳудудлардаги бўлимларига ташрифларини ташкил этиш. 3. Амалга оширилган ишларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш.	2025 йил 1 апрель Дастур асосида Доимий	Ижрочилар маблағлари	Мудофаа вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Мақтаб таълими ва мақтаб таълими вазирлиги
6.	Таълим ташкилотларида ўтказиб келинаётган ҳарбий-спорт мусобақаларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш учун ушбу тадбирларни молиялаштириш	1. Таълим ташкилотларида ҳарбий-спорт мусобақаларини ташкил этиш тартибини тасдиқлаш бўйича қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2025 йил март	Ижрочилар маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги, Спорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Мақтаб таълими ва мақтаб таълими вазирлиги

ҳамда ўқув-моддий базасини барпо этиш.	2. Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган техник талабларга мувофиқ маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудидаги “Жасорат мактаби” да ҳарбий-спорт мусобақаларини ўтказиш учун ўқув-моддий базани (тўсиқлар йўлаги, гимнастика шахарчаси, ўқ отиш тири, ўқув қурол-аслаҳаларини сақлаш хонаси, саф майдони, югуриш йўлаги) барпо этиш.	2025 йил якунига қадар		Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги
II. Кадрлар салоҳиятини ошириш				
7. Таълим ташкилотларида фаолият олиб бораётган чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарлари (кейинги ўринларда — ЧҚБТ раҳбари) таркибини танлов асосида саралаб олиш.	1. Номзодларни танлов асосида саралаб олиш мақсадида идоралараро ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш. 2. ЧҚБТ раҳбарлари таркибини танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш. 3. Ишчи гуруҳ тавсиясига кўра Мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари буйруғи асосида ЧҚБТ раҳбарлари лавозимларини малакали кадрлар билан тўлдириш.	2025 йил февраль 2025 йил март 2025 йил август	–	Мудофаа вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Адлия вазирлиги
8. ЧҚБТ раҳбарлари лавозимига номзодларни саралаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва кўшимча рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	ЧҚБТ раҳбарлари лавозимига номзодларни саралаш натижалари бўйича танланган ходимларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини (КР) белгилаш ҳамда ЧҚБТ раҳбарлари меҳнатини кўшимча рағбатлантириш ва моддий	2025 йил 30 апрель	–	Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни

	<p>ЧҚБТ ўқитувчиларини Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона давлат университети ва Бўхоро давлат педагогика институти ҳарбий тайёргарлик факультетларида қайта тайёрлаш, малака тоифасини бериш ва малакасини ошириш, захира ва резервдаги ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш тартибини йўлга қўйиш.</p>	<p>қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: ЧҚБТ раҳбарларининг фаолияти самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда қўшимча моддий рағбатлантиришни; кўрсаткичлар асосида ҳар ўқув йили якунида таҳлил ўтказиш ва ЧҚБТ раҳбарларининг эгаллаган лавозимларида фаолият олиб боришга лойиқлиги масаласини кўриб чиқишни; Мудофаа вазирлиги томонидан баҳолаш кўрсаткичларининг натижаларини эълон қилиш ва ушбу натижалар асосида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимидаги рағбатлантириш тўловларини бериш, давлат ва идоравий мукофотларга тавсия этишни назарда тутиш.</p>	<p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p>
<p>9.</p>	<p>ЧҚБТ ўқитувчиларини Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона давлат университети ва Бўхоро давлат педагогика институти ҳарбий тайёргарлик факультетларида қайта тайёрлаш, малака тоифасини бериш ва малакасини ошириш, захира ва резервдаги ҳарбий хизматчиларга навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш тартибини йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Қуролли Кучлардан резервга (захирага) бўшатилиб, ЧҚБТ раҳбари лавозимида фаолият юритаётган нафақадаги ҳарбий хизматчиларни қайта тайёрловдан ўтказиш. 2. Олий таълим муассасаларининг ҳарбий таълим факультетларини тамомлаб, ЧҚБТ раҳбари лавозимида фаолият юритаётган мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш.</p>	<p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Мудофаа вазирлиги, Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p>

		<p>3. Малака ошириш давомида ЧҚБТ раҳбарларини ўқув-машқ ҳарбий йиғинларига жалб этиш, педагогик кўникмалари бўйича машғулотларни Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институтида ўтказиш, натижалари бўйича навбатдаги ҳарбий унвон ҳамда малака тоифасини бериш.</p>			
III. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш					
10.	<p>Таълим ташкилотларида ЧҚБТ тадбирларини молиялаштириш ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, ўқув-моддий базасини такомиллаштириш ва барпо этиш чораларини амалга ошириш.</p>	<p>1. Таълим ташкилотларидаги ЧҚБТ фани ўқув-моддий базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш.</p> <p>2. Инвентаризация натижаларига кўра тегишли ҳокимликларга ЧҚБТ фани ўқув-моддий базаси бўйича маълумот ҳамда таклифларни тақдим этиш.</p> <p>3. ЧҚБТ фани синф хоналарини босқичма-босқич замонавий мебель ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш ҳамда Мудофаа вазирлигидан тақдим этилган намуна бўйича тарғибот-ўқув плакатларини ўрнатиш.</p> <p>4. Таълим ташкилотларидаги ЧҚБТ синфлари, ўқ отиш тирлари ҳамда ўқув қурол-аслаҳаларини сақлаш хоналарини босқичма-босқич жиҳозлаш.</p>	<p>2025 йил март</p> <p>2025 йил апрель</p> <p>2025–2028 йиллар</p> <p>2025–2028 йиллар</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Иқтисодийёт ва молия вазирлиги</p>

		<p>5. Талаб даражасида жиҳозланган ўқув қурол-аслаҳаларини сақлаш хоналари Миллий гвардиянинг техник қўриқлов хизмати қўриқловига олинишини ташиллаштириш.</p> <p>6. Ўқув қурол-аслаҳалари сақлаш хоналари талаб даражасида жиҳозланган ҳамда Миллий гвардиянинг техник қўриқлов хизмати қўриқловига олинган таълим ташкилотларини ўқув қурол-аслаҳалари билан таъминлаш.</p>	Доимий		
11.	Таълим ташкилотлари ўқувчилари билан ҳарбий полигонларда отиш амалий машғулотларини ўтказиш.	<p>1. Таълим ташкилотлари ўқувчилари билан ҳарбий полигонларда амалий машғулотларни ўтказиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Таълим ташкилотлари ўқувчилари билан ҳарбий полигонларда отиш амалий машғулотларини ташкил этиш.</p>	<p>Ҳар йили январь ойида</p> <p>Ҳар йили март-май ойларида</p>	Ижрочилар маблағлари	<p>Мудофаа вазирлиги, Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари</p>
IV. Маданий-маърифий ва ватанпарварлик тарғиботи тadbирлари					
12.	Ўқувчилар учун доимий равишда юксак давлат унвонларига эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ходимлар, курсант ва тингловчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ҳарбий академик лицей ўқувчилари иштирокида учрашувлар, суҳбатлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш.	<p>1. Tadbirlarни ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Tadbirlarга жалб этиладиган ёшлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Tadbirlarни ўтказиш.</p> <p>4. Амалга оширилган ишларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш.</p>	2025–2026 ўқув йили давомида	Маблағ талаб этилмайди	<p>Мудофаа вазирлиги, Ҳарбий-маъмурий секторлар, Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги</p>

**Таълим ташкилотлари негизида ташкил этиладиган “жасорат мактаблари”
ҳамда уларга бириктирилган вазирлик ва идоралар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Т/р	Туман (шаҳар)	Мактаб рақами	Бириктирилган вазирлик (идора)
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ				
1	1	Амударё тумани	56-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
2	2	Беруний тумани	62-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
3	3	Қонликўл тумани	2-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
4	4	Қораўзак тумани	28-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
5	5	Кегейли тумани	5-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
6	6	Нукус тумани	31-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
7	7	Хўжайли тумани	15-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
8	8	Қўнғирот тумани	43-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
9	9	Нукус шаҳри	44-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
10	10	Тахиатош тумани	4-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
11	11	Мўйноқ тумани	3-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
12	12	Тахтакўпир тумани	3-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
13	13	Тўрткўл тумани	18-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
14	14	Чимбой тумани	36-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
15	15	Шуманай тумани	7-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
16	16	Элликқалъа тумани	36-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
17	17	Бўзатов тумани	7-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ				
18	1	Андижон шаҳри	35-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
19	2	Жалақудуқ тумани	49-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия

Т/р	Т/р	Туман (шаҳар)	Мактаб рақами	Бириктирилган вазирлик (идора)
20	3	Хонобод шаҳри	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
21	4	Андижон тумани	1-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
22	5	Избоскан тумани	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
23	6	Олтинқўл тумани	4-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
24	7	Асака тумани	25-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
25	8	Бўстон тумани	48-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Миллий гвардия
26	9	Булоқбоши тумани	2-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
27	10	Қўрғонтепа тумани	65-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
28	11	Марҳамат тумани	43-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
29	12	Балиқчи тумани	34-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
30	13	Пахтаобод тумани	4-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
31	14	Улуғнор тумани	13-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
32	15	Хўжаобод тумани	23-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
33	16	Шаҳрихон тумани	25-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
БУХОРО ВИЛОЯТИ				
34	1	Бухоро шаҳри	16-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
35	2	Когон шаҳри	8-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
36	3	Бухоро тумани	30-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
37	4	Қоровулбозор тумани	1-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
38	5	Вобкент тумани	5-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
39	6	Олот тумани	2-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
40	7	Ғиждувон тумани	47-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
41	8	Жондор тумани	5-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги

Т/р	Т/р	Туман (шаҳар)	Мактаб рақами	Бириктирилган вазирлик (идора)
42	9	Когон тумани	21-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Миллий гвардия
43	10	Қорақўл тумани	15-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
44	11	Пешку тумани	28-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
45	12	Ромитан тумани	7-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
46	13	Шофиркон тумани	21-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ				
47	1	Бахмал тумани	5-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
48	2	Зомин тумани	60-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
49	3	Ш.Рашидов тумани	32-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
50	4	Фориш тумани	55-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
51	5	Жиззах шаҳри	4-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
52	6	Арнасой тумани	22-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
53	7	Янгиобод тумани	3-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
54	8	Ғаллаорол тумани	26-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
55	9	Дўстлик тумани	20-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
56	10	Пахтакор тумани	19-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
57	11	Зарбдор тумани	9-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
58	12	Зафаробод тумани	2-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
59	13	Мирзачўл тумани	2-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ				
60	1	Ғузур тумани	53-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
61	2	Қарши тумани	52-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
62	3	Муборак тумани	6-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Мудофаа вазирлиги
63	4	Нишон тумани	35-сонли умумтаълим мактаби	Миллий гвардия

Т/р	Т/р	Туман (шаҳар)	Мактаб рақами	Бириктирилган вазирлик (идора)
64	5	Қарши шаҳри	45-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Миллий гвардия
65	6	Деҳқонобод тумани	85-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
66	7	Қамаши тумани	52-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
67	8	Косон тумани	33-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Ички ишлар вазирлиги
68	9	Касби тумани	16-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
69	10	Китоб тумани	4-сонли умумий ўрта таълим мактаби	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
